

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МАРКАЗИ**

**Д.Б. Раҳимов**

**НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҲАМДА  
УЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ**

*Ўқув-услубий қўлланма*



*Ўибу қўлланма Конрад Аденауэр Фондининг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси билан ҳамкорликда нашир этилди*

**«Адолат»  
миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2022**

**УЎК 340.131.5:328.185**

**КБК 67.400.6**

**66.3**

**Н 79**

**Рахимов Д.Б.** Норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши хуқуқий экспертизадан ўтказиш. Ўқув-услубий қўлланмана. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги «Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази. – Т.: 2022. – 72 б.

ISBN 978-9943-8165-5-8

**УЎК 340.131.5:328.185**

**КБК 67.400.6**

**66.3**

**Н 79**

Мазкур ўқув-услубий қўлланмана Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгаши томонидан 2022 йил 19 майда чоп этишга тавсия қилинган (11-сонли баённома).

**Тақризчилар:** Б. Тошев, юридик фанлар доктори, профессор  
Р. Шакуров, юридик фанлар номзоди, доцент

Ўқув-услубий қўлланмада норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши хуқуқий экспертизадан ўтказиш тушунчаси, унинг тартиби ва турлари, шунингдек мутахассислар томонидан мазкур турдаги экспертизани ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ҳамда бу борада норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллашга оид тавсия берилган.

Ўқув-услубий қўлланмана адлия органлари ва муассасалари ходими-лари, олий юридик таълим ўқув муассасалари талабалари ва малака ошириш маркази тингловчилари учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-8165-5-8

© Д.Б. Рахимов, Юристлар  
малакасини ошириш маркази  
© «Адолат» миллий хуқуқий  
ахборот маркази, 2022 й.

## КИРИШ

Бугунги кунда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлиги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита боғлиқ. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонида Адлия вазирлиги олдига Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдамни кўрсатиб бориш юзасидан вазифа қўйилди.

Тараққиёт стратегиясининг 84-мақсадида коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш вазифаси белгиланди. Мазкур вазифанинг бажарилиши мукаммал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилишининг кафолати бўлади.

Қайд қилиш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказишига оид ишларни юритиш мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва унинг лойиҳаларини бу борада экспертизадан ўтказиш қоидаларини мукаммал билиш талаб этилади.

Шунинг учун ўкув-услубий қўлланмадаги Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар

лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомни чукурроқ ўрганиш тавсия этилади.

# **1. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

---

---

Бугунги кунда давлатимиз томонидан коррупцияга қарши курашиб юзасидан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 22 октябрь куни «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5263-сонли қарор қабул қилинди.

Қарорга кўра, норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилмоқда.

## **Бунда:**

- амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар босқичма-босқич тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади;
- норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома (чеклист) тўлдирилиб, лойиҳа қабул қилингунигача бўлган босқичларда унга илова қилинади;
- чеклист тўлдирилмаган лойиҳалар адлия органлари томонидан хуқуқий экспертизадан ўтказилмайди ва ишлаб чиқувчига қайтарилади;
- норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида аниқланган коррупциявий омиллар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгиланади.

Қарорга кўра, 2021 йилда амалдаги 190 та норматив-хуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди. 2022 йил 1 январдан илмий ташкилотлар ва ОТМ вакиллари ҳамда жисмоний шахслар – мустақил экспертлар норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиши мумкин.

---

## **Бу мұхим!**

Экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хulosалар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан **мажбурий кўриб чиқилади**.

---

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳукуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти ҳар олти ой якуннида баҳоланади.

Шунга кўра, ходимларни лавозим маошларининг 100 фоизи миқдорида бир марталик пул маблағлари бериш орқали рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жазо қўллаш бўйича чоралар кўрилади.

Шунингдек, қарор билан қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларидағи норматив-ҳукуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳукуқий хужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмига асосан, норматив-ҳукуқий хужжат лойиҳаси ҳукуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши **шарт**.

Таъкидлаш жоизки, **коррупцияга қарши экспертиза** – норматив-ҳукуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш, аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

---

## **Эсада туting!**

**Коррупцияга қарши экспертизанинг мазмуни** – коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишни ифодалайди.

Шу ўринда қайд қилиш лозимки, «Норматив-ҳукуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши

экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомда коррупциявий омилларга **тушунча берилган**.

---

### **Мазкур Низомда коррупциявий омиллар:**

нормаларнинг барқарорлиги ва хуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган омиллар;

ваколатлар, хуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган омиллар,

маъмурӣ тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган омиллар;

назорат билан боғлиқ бўлган коррупциявий омилларга ажратилиди.

Бу йўналишлар, ўз навбатида, жами 23 та коррупциявий омилга бўлинади.

### **Норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг мақсади:**

✓ коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш,

✓ норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш,

✓ норматив-хуқуқий ҳужжатларни кўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш **мақсадида** ўтказилади.

Экспертиза натижаларига кўра коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган **тавсиялар ишлаб чиқилади ва чоралар кўрилади.**

### **Коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг бир нечта турлари мавжуд:**

**1** норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан – **ишлаб чиқувчилар** (норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши амалга оширувчи давлат органи ва ташкилоти),

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг  
ҳудудий бўлинмалари томонидан;**

**2** норматив-ҳуқуқий хужжатларга нисбатан – **Ўзбекистон  
Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий  
бўлинмалари** томонидан;

**3** норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларига  
нисбатан – **мустақил ва илмий экспертлар** томонидан  
ўтказилади.

## **2. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИХАЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИННИ ҮТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

---

---

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи ва лойиҳа ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун келиб тушганда адлия органлари томонидан ўтказилади.

Коррупцияга қарши экспертиза норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи, шунингдек, лойиҳалар келишилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси мустақил ва илмий эксперталар томонидан ўз ташаббусига кўра ёки давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2-мҳ-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.

---

### **Эсда туting!**

Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи томонидан чеклистни тўлдириш орқали ўтказилади.

Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳада коррупциявий омил аникланган тақдирда, **қуйидаги ҳаракатларнинг бири амалга оширилади:**

---

✓ аниқланган коррупциявий омилни бартараф этиш чораларини кўриш;

 чеклистнинг «коррупциявий омил» устуининг тегишли қисмига «бор» белгисини қўйиш, коррупциявий омилни ўз ичига олган ҳукукий нормани кўрсатиш, ушбу нормани бошқача тарзда баён этиш имкони йўқлигини асослантириб бериш ва мазкур коррупциявий омил мавжудлиги сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни жиловлаш бўйича кўрилган чораларни баён этиш.

Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳада коррупциявий омил аникланмаган тақдирда чеклистнинг «коррупциявий омил» устуни тегишли қисмига «йўқ» белгиси қўйилади.

Чеклист ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда – уларнинг биринчи ўринbosарлари) имзоси билан расмийлаштирилади.

Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамаси, идоралараро келишув, ҳукукий экспертизадан ўтказиш босқичларида лойиҳага илова қилинади.

Жамоатчилик норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)) жойлаштирилган лойиҳаларни чеклист тўлдириш орқали коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан баҳолаши мумкин.

---

### **Бу мұхим!**

Жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича билдирилган тақлифлар ва эътиrozлар ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилади ҳамда адлия органларига (ҳукукий экспертиза учун) киритилади, бунда жамоатчиликдан келиб тушган тақлифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши **мажбурийдир**.

---

Ишлаб чиқувчи томонидан жамоатчилик муҳокамаси ва идоралараро келишиш ўтказилгандан сўнг қайта ишланган лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материаллар тегишли адлия органига ҳукукий экспертиза ўтказиш учун тақдим этилади.

Лойиҳа ишлаб чиқувчи томонидан чеклист тўлдирилмаган ҳолда адлия органларига киритилган тақдирда, ушбу лойиҳа

хуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ишлаб чиқувчига қайтарилади.

Адлия органининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаси хуқуқий экспертиза ўтказилиши натижалари бўйича тайёрланадиган хulosада алоҳида акс эттирилади.

Лойиҳада коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, хulosада уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чоралар кўрсатилади.

---

### **Эсда туting!**

Ўтказилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича эътиrozлар мажбурий тусга эга ва лойиҳа хуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун такоран киритилганда **бартараф қилиниши шарт**.

---

Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларда коррупциявий омилларни ўз ичига олган нормалар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уларни Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мувофиқ давлат рўйхатидан **ўтказишни рад этади**.

### **3. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИННИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУССИЯТЛАРИ**

---

---

Амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Услубиёт асосида давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда адлия органлари томонидан ўтказилади.

---

#### **Эсада тутиңг!**

Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ҳар йили Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сон «Хуқуқий мониторингнинг замонавий механизmlари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самародорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросининг **хуқуқий мониторинги доирасида ўтказилади**.

---

Давлат органлари ва ташкилотлар ўзларининг ташаббуслари асосида ҳам амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасида белгиланган муддатларда давлат органлари ва ташкилотлар амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказади ҳамда натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ва аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига киритади.

Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича

аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни умумлаштиради ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси» Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси мустақил ва илмий экспертлар томонидан ўз ташаббусига кўра ёки давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири-нинг 2021 йил 24 февралдаги «Норматив-хукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2-мҳ-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Норматив-хукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 4<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.

Адлия органлари ўз ташаббусига кўра, шунингдек, қўйидаги асосларга биноан амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади:

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари;
- ✓ адлия органлари иш режалари;
- ✓ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;
- ✓ жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари;
- ✓ оммавий ахборот воситаларидан келиб тушган нашрлар ва бошқа материалларни ўрганиш натижалари;
- ✓ ўрганишлар, шу жумладан бевосита жойига чиқсан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар.

---

### Эсда тутинг!

Амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари

томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 12-банди 5-кичик бандига мувофиқ давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига бажарилиши **мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.**

---

---

## **4. МУСТАҚИЛ ВА ИЛМИЙ ЭКСПЕРТЛАР ТОМОНИДАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

---

Мустақил ва илмий эксперталар ўз ташаббусига кўра ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўtkазади.

### **Бу муҳим!**

Мустақил ва илмий эксперталар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси Услубиёт асосида чеклистни тўлдириш ёки **хулоса тузиш орқали ўтказилади.**

---

Мустақил ва илмий эксперталар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш:

✓ давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан амалга оширилганда мустақил ва илмий эксперталар томонидан коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича чеклист тўлдирилади;

✓ мустақил ва илмий эксперталарнинг ўз ташаббусига кўра амалга оширилганда коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда **хулоса тузилади.**

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, чеклистда ёки хulosада уларни **бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чоралар кўрсатилиши шарт**.

Мустақил ва илмий экспертлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист буюртма берган давлат органлари ва ташкилотга юборилади.

Мустақил ва илмий экспертларнинг ўз ташаббусига асосан ўтказилган коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича тузилган хulosaga:

амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган соҳада ягона давлат сиёсатини юритишга масъул бўлган давлат органи ва ташкилотга юборилади;

лоийхалар бўйича ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларга юборилади.

✓ Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хulosалар тегишли давлат органлари ва ташкилотларга келиб тушган кундан бошлаб 15 кун ичida мажбурий кўриб чиқилади.

✓ Кўриб чиқиш натижалари бўйича чеклист ёки хulosada кўрсатилган ҳар бир коррупциявий омил қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги асослантирилган маълумотнома тузилади.

✓ Мустақил ва илмий экспертлар томонидан амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хulosаларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан тузилган маълумотнома имзоланган куни экспертиза ўтказган мустақил ёки илмий экспертга ва тегишли адлия органларига юборилади.

 Мустақил ва илмий экспертлар томонидан лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хуносаларни кўриб чиқиши натижалари юзасидан тузилган маълумотнома имзоланган куни экспертиза ўтказган мустақил ёки илмий экспертга (барча ҳолларда) ҳамда адлия органларига (лоийхани ҳуқуқий экспертиза учун киритиш вақтида) юборилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга карши экспертизасини ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштириш, лойиҳа ишлаб чиқувчилари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан мустақил ва илмий эксперталарнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига тегишли маълумотларни киритиш Адлия вазирлигининг Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

# **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА БОШҚА МАНБАЛАР**

---

---

## **I. Норматив-хуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. //  
[URL:https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3](https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3).
2. «Ўзбекистон Республикасининг Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида» (20.04.2021, ЎРҚ-682-сон) Конуни. //  
[URL:https://lex.uz/docs/5378966](https://lex.uz/docs/5378966).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги «Норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5263-сонли қарори. //[URL:https://lex.uz/docs/5691402](https://lex.uz/docs/5691402).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони //[URL:https://lex.uz/docs/5841063](https://lex.uz/docs/5841063).
5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 22 февралдаги «Норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2-мҳ-сон буйруфи (2021 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат раками 3287). //[URL: https://lex.uz/docs/5306922](https://lex.uz/docs/5306922).
6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 27 январдаги «Норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1-мҳ-сон буйруфи (2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат раками 3287-1). //[URL:https://lex.uz/docs/5840257](https://lex.uz/docs/5840257).

## **II. Бошқа манбалар:**

1. Янги Ўзбекистон //URL:<https://yuz.uz/news/800-dan-ortiq-qonun-hujjatining-224-tasida-28-korruptsiyaviy-omil-aniqlangan>.

2. Коррупцияга қарши ҳамкорлик: Ўзбекистон ва Беларусь Республикалари қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласи //URL:<https://zamin.uz/jamiyat/87552-korrupcijaga-arshi-amkorlik-zbekiston-va-belorus-respublikalari-onunchilik-uzhzhatlarini-korrupcijaga-arshi-jekspertizadan-tkazish-bjicha-zaro-amkorlik-iladi.html>

## И Л О В А Л А Р

### **Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

(Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2021 йил 24 февралдаги “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар  
лоиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-мҳ-сон  
буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2021 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами  
3287) билан тасдиқланган)

Ушбу Низом норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупцияга қарши экспертиза** – норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш, аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуси;

**коррупциявий омил** – коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган хуқуқий нормалар;

**чеклист** – норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома;

**ишлаб чиқувчи** – норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) ишлаб чиқишини амалга оширувчи давлат органи ва ташкилоти;

**илмий эксперт** – илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг Конунчилик хужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича эксперталар реестрига киритилган вакили;

**мустақил эксперт** – Конунчилик хужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича эксперталар реестрига киритилган жисмоний шахс;

**адлия органлари** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари.

2. Коррупцияга қарши экспертиза коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган омилларни аниqlаш, лойиҳани қабулқилишнинг коррупция ҳолатлари учун имконият яратадиган оқибатларини умумий тарзда баҳолаш, норматив-хуқуқий хужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга таваккалчиликларнинг юзага келиш эҳтимолини прогноз қилиш, аниқланган коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўриш мақсадида амалга оширилади.

3. Кўйидагилар коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади:

**қонунийлик** – коррупцияга қарши экспертиза Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида»ги қонунлари, ушбу Низом ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ амалга оширилиши;

**тўлиқ қамраб олингандлик** – барча лойиҳалар мажбурий тартибда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши;

**очиқлик ва шаффофилик** – коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш жараёнларида жамоатчиликнинг иштироки таъминланиши;

**холислик** – коррупцияга қарши экспертиза холис ва беғараз, қатъий қонуний, назарий ва амалий асосда, тегишли мутахассислик доирасида, ҳар тарафлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

**мустақиллик** – коррупцияга қарши экспертиза мустақил шахс томонидан ўтказилиши, манфаатдор шахслар фойдасига хулоса олиш мақсадида коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи шахсга таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги;

**асосланганлик** – коррупцияга қарши экспертиза натижаларининг асосланганлиги, холислиги ва текширилиши имкони мавжудлиги;

**коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирларнинг устуворлиги** – коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, мажбурий равишда уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилиши ва чоралар кўрилиши.

4. Куйидагилар коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш учун асосий ахборот манбалари ҳисобланади:

норматив-хуқуқий хужжатлар;

халқаро шартномалар;

суд амалиёти;

расмий статистик маълумотлар ва ҳисботлар;

давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари;

илмий-таҳлилий материаллар ва нашрлар, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ҳамда йиғилишлар материаллари;

ваколатли ташкилотлар ва ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровларнинг натижалари;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларда эълон қилинган нашрлар;

коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш доирасида давлат органи ва ташкилоти томонидан ўтказилган ўрганишлар, шу жумладан бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар.

5. Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема асосида ўтказилади.

6. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тизимли равиша тегишли соҳа фаолиятидаги:

ложиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг амалга оширилишини ташкил этади;

амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказади.

## **2-боб. Коррупциявий омиллар**

7. Коррупциявий омиллар ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Услубиёт (бундан бўён матнда Услубиёт деб юритилади) асосида аниқланади, бунда коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда норматив-ҳуқуқий хужжат ёки лойиҳанинг ҳар бир нормаси ёхуд қоидасининг таҳлили амалга оширилади.

8. Қўйидагилар нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар ҳисобланади:

сўзларнинг нотўри кўлланилиши;

ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги;

норматив-ҳуқуқий хужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги.

9. Қўйидагилар ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар ҳисобланади:

дискремион ваколатларнинг кенглиги;

аниқ белгиланмаган ваколатлар;

давлат органларининг тақоррловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги;

давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши;

вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижроида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;

кечиктириб тартибга солиш;

манфаатлар тўқнашуви;

афзалликларнинг асоссиз белгиланиши;

норматив-ҳуқуқий хужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар.

10. Қўйидагилар маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар ҳисобланади:

маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги;

белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши;

ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги;

вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги;

тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги;

санкцияларнинг номутаносиблиги;

чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги.

11. Кўйидагилар назорат билан боғлик бўлган коррупциявий омиллар ҳисобланади:

шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги;

шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшликлар;

давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги.

### **3-боб. Лойиҳаларнинг коррупцияяга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби**

12. Лойиҳаларнинг коррупцияяга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи ва лойиҳа хуқуқий экспертиза ўтказиш учун келиб тушганда адлия органлари томонидан ўтказилади.

Коррупцияяга қарши экспертиза норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилувчи, шунингдек лойиҳалар келишилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

12<sup>1</sup>. Лойиҳаларнинг коррупцияяга қарши экспертизаси мустақил ва илмий эксперталар томонидан ўз ташаббусига кўра ёки давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида ушбу Низомнинг 4<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.

13. Лойиҳаларнинг коррупцияяга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи томонидан ушбу Низомнинг З-иловасига мувофиқ шаклдаги чеклистни Услубиёт асосида тўлдириш орқали ўтказилади.

14. Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳада коррупциявий омил аниқланган тақдирда, қўйидаги ҳаракатларнинг бири амалга оширилади:

аниқланган коррупциявий омилни бартараф этиш чораларини кўриш;

чеклистнинг «коррупциявий омил» устуенинг тегишли қисмига «бор» белгисини қўйиш, коррупциявий омилни ўз ичига олган хуқукий нормани кўрсатиш, ушбу нормани бошқача тарзда баён этиш имкони йўқлигини асослантириб бериш ва мазкур коррупциявий омил мавжудлиги сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни жиловлаш бўйича кўрилган чораларни баён этиш.

15. Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳада коррупциявий омил аниқланмаган тақдирда чеклистнинг «коррупциявий омил» устуни тегишли қисмига «йўқ» белгиси қўйилади.

16. Чеклист ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда – уларнинг биринчи ўринбосарлари) имзоси билан расмийлаштирилади.

17. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамаси, идоралароро келишув, хуқукий экспертизадан ўтказиш босқичларида лойиҳага илова қилинади.

18. Жамоатчилик норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz))да жойлаштирилган лойиҳаларни чеклист тўлдириш орқали коррупциявий омилларни аниқлаш нұқтаси назаридан баҳолаши мумкин.

19. Жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича билдирилган таклифлар ва эътиrozлар ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилади, шунингдек адлия органларига (хуқукий экспертиза учун) киритилади, бунда жамоатчиликдан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир.

20. Ишлаб чиқувчи томонидан жамоатчилик муҳокамаси ва идоралароро келишиш ўтказилгандан сўнг қайта ишланган лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материаллар тегишли адлия органига хуқукий экспертиза ўтказиш учун тақдим этилади.

20<sup>1</sup>. Лойиҳа ишлаб чиқувчи томонидан чеклист тўлдирилмаган ҳолда адлия органларига киритилган тақдирда,

ушбу лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ишлаб чиқувчига қайтарилади.

21. Адлия органлари ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини Услубиёт асосида ўтказади.

22. Адлия органининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаси ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши натижалари бўйича тайёрланадиган хulosада алоҳида акс эттирилади.

Лойиҳада коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, хulosада уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чоралар кўрсатилади.

23. Ўтказилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича эътироzlар мажбурий тусга эга ва лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун такоран киритилганда бартараф қилиниши шарт.

24. Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларда коррупциявий омилларни ўз ичига олган нормалар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уларни Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказишни рад этади.

#### **4-боб. Амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби**

25. Амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Услубиёт асосида давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда адлия органлари томонидан ўтказилади.

26. Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ҳар йили Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) томонидан тасдиқланадиган амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сон «Ҳуқуқий мониторингнинг замо-

навий механизмлари асосида қонун хужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ норматив-ҳукуқий хужжатлар ижросининг ҳукуқий мониторинги доирасида ўтказилади.

Давлат органлари ва ташкилотлар ўзларининг ташаббуслари асосида ҳам амалдаги норматив-ҳукуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишлари мумкин.

26<sup>1</sup>. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган амалдаги норматив-ҳукуқий хужжатларни коррупцияга карши экспертизадан ўтказиш режасида белгиланган муддатларда давлат органлари ва ташкилотлар амалдаги норматив-ҳукуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказади ҳамда натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ва аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига киритади.

26<sup>2</sup>. Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни умумлаштиради ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

26<sup>3</sup>. Амалдаги норматив-ҳукуқий хужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси» Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

26<sup>4</sup>. Амалдаги норматив-ҳукуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси мустақил ва илмий эксперталар томонидан ўз ташаббусига кўра ёки давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида ушбу Низомнинг 4<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.

27. Адлия органлари ўз ташаббусига кўра, шунингдек қўйидаги асосларга биноан амалдаги норматив-ҳукуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари;

адлия органлари иш режалари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари;

оммавий ахборот воситаларидан келиб тушган нашрлар ва бошқа материалларни ўрганиш натижалари;

ўрганишлар, шу жумладан бевосита жойига чиқсан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар.

29. Амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 12-банди 5-кичик бандига мувофиқ давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.

#### **4<sup>1</sup>-боб. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш**

29<sup>1</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар ўз ташаббусига кўра, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

29<sup>2</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси Услубиёт асосида чеклистни тўлдириш ёки хulosса тузиш орқали ўтказилади.

29<sup>3</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш:

давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан амалга оширилганда мустақил ва илмий экспертлар томонидан коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича чеклист тўлдирилади;

мустақил ва илмий экспертларнинг ўз ташаббусига кўра амалга оширилганда коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича ушбу Низомнинг 4-илюласига мувофиқ шаклда хulosса тузилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, чеклистда ёки хulosада уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чоралар кўрсатилиши шарт.

29<sup>4</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист буюртма берган давлат органлари ва ташкилотга юборилади.

29<sup>5</sup>. Мустақил ва илмий экспертларнинг ўз ташаббусига асосан ўтказилган коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича тузилган хulosса:

амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган соҳада ягона давлат сиёсатини юритишга масъул бўлган давлат органи ва ташкилотга юборилади;

loyihalar b'oyicha ushu loyiҳalarni islab chikuvchilarga yoboriladi.

29<sup>6</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хulosалар тегишли давлат органлари ва ташкилотларга келиб тушган кундан бошлаб 15 кун ичida мажбурий кўриб чиқилади.

Кўриб чиқиши натижалари бўйича чеклист ёки хulosада кўрсатилган ҳар бир коррупциявий омил қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги асослантирилган маълумотнома тузилади.

29<sup>7</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган

чеклист ёки хulosаларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан тузилган маълумотнома имзоланган куни экспертиза ўтказган мустақил ёки илмий экспертга ва тегишли адлия органларига юборилади.

29<sup>8</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хulosаларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан тузилган маълумотнома имзоланган куни экспертиза ўтказган мустақил ёки илмий экспертга (барча ҳолларда) ҳамда адлия органларига (войиҳани хукуқий экспертиза учун киритиш вақтида) юборилади.

29<sup>9</sup>. Норматив-хукуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштириш, лойиҳа ишлаб чиқувчилари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан мустақил ва илмий экспертларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, Конунчилик хужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига тегишли маълумотларни киритиш Адлия вазирлигининг Конунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

## **5-боб. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи давлат органлари ва ташкилотлар, адлия органлари ходимларининг ҳамда мустақил ва илмий экспертларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

30. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказаётган давлат органлари ва ташкилотлар, адлия органлари ходимларининг ҳамда мустақил ва илмий экспертларнинг асосий хукуqlари:

конун хужжатларида белгиланган тартибда коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётган норматив-хукуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларнинг предметига тааллуқли бўлган хужжатлар билан танишиш;

коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олиш.

31. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи давлат органлари ва ташкилотлар, адлия органлари ходимларининг ҳамда мустақил ва илмий эксперталарнинг асосий мажбуриятлари:

коррупцияга қарши экспертизани ташкиллаштириш ва ўтказишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларига риоя қилиш;

ўзини ўзи рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда ўзининг раҳбарига дарҳол маълум қилиш;

тақдим этилган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш.

## **6-боб. Якуний қоидалар**

32. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш жараёнига тор доира йўналишларидағи мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

34. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган.

(Низомга 1-илова)

## Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ишлаб чиқувчи	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши, унинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш, натижаси бўйича чеклист тўлдириши.	Заруратга кўра
2-босқич	Ишлаб чиқувчи	Лойиҳа ва чеклистини жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш.	Жамоатчилик мухокамасини ўтказиш муддатида
3-босқич	Ишлаб чиқувчи	Жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш натижалари бўйича қайта ишланган лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материалларни хуқуқий экспертиза ўтказиш учун адлия органларига киритиши.	Жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш ва идораларо келишишдан сўнг
4-босқич	Адлия органлари	Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш натижаси бўйича хулоса тақдим этиши.	Хуқукий экспертизы муддатида
5-босқич	Ишлаб чиқувчи	Лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материалларни Вазирлар Маҳкамаси ёки норматив-хуқуқий хужжатни қабул килувчи давлат органига киритиши.	Хуқукий экспертизадан сўнг

(Низомга 2-илова)

## Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш УСЛУБИЁТИ

Йўналиш	Коррупциявий омил	Тушунчаси	Мисоли
<b>Нормаларнинг барқарорлиги ва хуқукий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Сўзларнинг нотўри кўлланилиши	<p>Норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳасида (бундан бўён матнда норматив-хуқуқий ҳужжат деб юритилади) қўлланилаётган сўзлар, тушунчалар ва атамалар хар хил маъноларни англатиши ёки аниқ бўлмаган талқин килишга имконият яратиши мумкин.</p> <p>Тушунча ва атамалар нафақат бир норматив-хуқуқий ҳужжатниң ўзида, балки бутун конунчиликда бир хил кўлланилиши лозим.</p> <p>Агар турли норматив-хуқуқий ҳужжатларда тушунча ва атамаларни бир хил кўллаш имкони бўлмаса, уларни фарқлаш аниқ ва осон бўлашиб керак.</p> <p>Бирлик ёки кўплиқда сўзларнинг нотўри кўлланиши хам ноаникликларга сабаб бўлади.</p> <p>Шунингдек, олмошни кўллаш орқали олдинги гапда берилган</p>	<p><b>1-мисол:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: юрисдикция фуқароларнинг <b>турар жойига</b> қараб белгиланади.</p> <p><b>Муаммо:</b> «турар жой» сифатида шахснинг яшаб турган жойи назарда тутилганми ёки доимий рўйхатдан ўтган жойими?</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: <b>Юрисдикция</b> фуқароларнинг яшаб турган жойига қараб белгиланади.</p> <p><b>2 - мисол:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: вазирлик ушбу моддада кўрсатилган <b>мурожаат турларни</b> тақдим килиш <b>тартибларини</b> белгилайди.</p> <p><b>Муаммо:</b> ушбу холатда вазирлик <b>хар бир мурожаат турни учун алоҳида тартиб</b> белгилаши ёки <b>барча мурожаат турлари учун ягона тартиб</b> белгилаши лозимлиги ноаник.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-</p>

	<p>шахс, сон, жой ва ходисаларга нисбатан мурожаат қилиш, шунингдек «ва/ёки» сўзларини қўллаш орқали тузилган сўз бириммаларининг нотўғри кўлланилиши иносаникликарни юзага келтириши мумкин.</p> <p>Шунинг учун ҳар бир сўз барча учун тушунарли маънони англатиши ёки аниқ хукукий тавсифга эга бўлиши лозим.</p>	<p>хукукий хужжат: вазирлик ушбу моддада кўрсатилган <b>мурожаат турларни</b> тақдим қилишининг <b>тартибини</b> белгилайди.</p> <p><b>З-мисол:</b> норматив-хукукий хужжат: мансабдор шахс ва аризачи шартнома шартларини келиши зарур, <b>у</b> келишувни ёзма шаклда тасдиқлаши лозим.</p> <p><b>Муаммо:</b> «У» деганда ким назарда тутилганлиги иносаник.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хукукий хужжат: мансабдор шахс ва аризачи шартнома шартларини келишиши зарур, <b>mansabdar shahs</b> келишувни ёзма шаклда тасдиқлаши лозим.</p> <p><b>4-мисол:</b> норматив-хукукий хужжат:</p> <p><b>Таваккалчилик</b> – мижозлар томонидан жинонай фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий кирғин куролини тарқатишни моли ялашиб тириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги.</p> <p>Муаммо: «жинонай фаолиятдан олинган</p>
--	---	---

		<p>даромадларни легаллаштириш», «терроризмни молиялаштириш» ва «оммавий кирғин куролини тарқатиши молиялаштириш» операция турлари бир вақтда амалга оширилганда ёки улардан биттаси таваккалчилликнинг юзага келиши ноаник.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хукукий ҳужжат:  <b>Таваккалчилик</b> – мижозлар томонидан жиной фоалиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий кирғин куролини тарқатиши молиялаштириш максадида операцияларни амалга ошириш.</p>
	<p>Ноаник ва асоссиз ҳаволалар келтирилганилиги</p>	<p>Бир норматив-хукукий ҳужжатдаги ёки бошка норматив-хукукий ҳужжатдаги нормалрга ҳаволалар аник, мантикий изчил бўлиши ва норматив-хукукий ҳужжатни ёхуд унинг алохида қоидаларини кўрсатиши керак.</p> <p>Шунингдек, тегишли ваколатлар мавжуд бўлмагандага, конун</p> <p><b>Муаммо:</b> муддатлар қайси норматив-хукукий ҳужжатнинг нормалари билан белгиланганилиги аник эмас.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-</p>

	<p>хужжатларидаги бўшлиқларининг конун ости хужжатлари ёрдамида тўлдирилиши тор идоравий ёндашув ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.</p> <p>Бундан ташқари, ҳуқуқий норманинг чегарасини белгилаш имконини бермайдиган, хусусан «ва бошқалар», «ва ҳоказо» каби нормаларниң қўлланилиши ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқиш доирасининг кенгайтириш имконини беради.</p> <p>Шу сабабдан ноаниқ ва асоссиз хаволалар келтирилмаслиги ҳамда норматив-ҳуқуқий хужжатни кабул қилиш тегишли давлати органларининг ваколат доирасида амалга оширилиши зарур.</p>	<p>хуқуқий хужжат: давлат органи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасида белгиланган муддатларда қарор қабул киласи.</p> <p><b>2-мисол:</b> Солик кодексида кўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар фақат ушбу Кодекс билан тақдим қилиниши белгиланган.</p> <p>Шу билан бирга, мазкур Кодексда ўхшashi Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, тасдиқланган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар кўшилган қиймат солиғидан озод этилган.</p> <p>Мазкур рўйхат конуности хужжат билан тасдиқланган.</p> <p><b>Муаммо:</b> Солик кодексида кўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар фақат ушбу Кодекс билан тақдим қилиниши белгиланганлиги қарамасдан, кўшилган қиймат солиғидан озод этилган технологик асбоб-ускуналар рўйхати конуности хужжат билан тасдиқланган.</p> <p>Ваҳоланки, мазкур рўйхат изжро этувчи орган то-</p>
--	---	---

монидан мустақил шакллантирилиши натижасида ушбу рўйхатга техноло-гик асбоб-ускуналар айrim шахслар ман-фаатларида кирити-лиши хавфи мавжуд.

**Ечим:** кўшилган киймат солигидан озод этилган техно-логик асбоб-ускуна-лар рўйхатини бево-сита Солик кодекси билан тасдиқлаш зарур.

**3-мисол:** норма-тив-хукукий хуж-жат:

назорат тадбири режали текшириш давомида, маълум бир худудда (минтақада) заарланиш ўчғи аниқланганда, маҳсулот импорт қи-лингандага ва бошқа холатларда амалга оширилади.

**Муаммо:** назорат тадбири амалга оши-рилиши мумкин бўл-ган холатлар аниқ белгилаб берилма-ганлиги оқибатида текширувчида асос-сиз равишда дис-кремцион ваколатлар вужудга келади.

**Ечим:** назорат тадбири режали тек-шириш давомида, маълум бир худудда (минтақада) за-арланиш ўчғи аниқланганда, маҳ-сулот импорт қилин-гандага амалга ошири-лади.

	Норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	Норматив-хуқуқий хужжатларниң нормалари ўзаро мувофиқ бўлиши лозим. Норматив-хуқуқий хужжатлар нормаларининг бир бирига зид бўлиши, хуқуқни қўллашда турли хил тушунмовчиликларнинг юзага келишига олиб келади.	<p><b>Мисол:</b> Хукумат карори билан тасдиқланган намунивий хужжатларга мувофиқ танлов (тендер) таклифларини очиш танлов (тендер) эълон килинган санадан бошлаб 10 – 15 кундан кейин бўлиб ўтади.</p> <p>«Давлат харидлари тўғрисида»ги Конунда ушбу муддат 30 – 45 кунни ташкил қиласди.</p> <p><b>Муаммо:</b> Вазирлар Махкамасининг карори ва Конунда икки хил муддат белгиланганилиги ижро-чиларнинг ўзларига кулагай бўлган муддатда иш юритишига ҳамда зиддиятили хуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига олиб келади.</p> <p><b>Ечим:</b> Вазирлар Махкамасининг карорида белгилanganлиги муддатларни Конунга мувофиқлаштириш зарур.</p>
<b>Ваколатлар, хуқук ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	Давлат органлари ва бошка ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига (кейинги ўринларда давлат органлари деб юритилиади) ўз ихтиёрига кўра қарорлар қабул килиш, бир неча	<p><b>1-мисол:</b> норматив-хуқуқий хужжат: лицензияловчи орган лицензия талабгори хужжатларини кўриб чиқиш натижаси бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни</p>

	<p>турдаги қарорларни қабул қилишни танлаш ва қарорларни ижро этишининг усулларини белгилаш имкониятини асоссиз равища бериш оқибатида корупциявий холатлар вужудга келишининг хавфи юқори хисобланади.</p> <p>Дискрецион ваколатларнинг кенглиги асосан кўйидагиларда кўринади:</p> <p>қарорларни қабул қилишнинг шароитлари ва асослари нинг мавжуд эмаслиги;</p> <p>давлат органларига ўз ихтиёрига кўра юридик фактни баҳолашга ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан тегишли ҳаракатларни амалга оширишнинг тартибини мустақил равища белгилашга йўл қўйиш;</p> <p>«карор қабул қилиши мумкин» шаклидаги қарор қабул қилиш ваколатини бериш;</p> <p>давлат органларига уларнинг ваколатига тегишли бўлмаган вазифа ва ваколатларнинг юклатилиши.</p>	<p>рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.</p> <p><b>Муаммо:</b> лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш учун асослар белгиланмаган, шунингдек лицензияловчи органга «карор қабул қилиши мумкин» шаклидаги қарор қабул қилиш ваколати берилган.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат:</p> <p>лицензияловчи орган талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиши натижаси лицензия бериш ёки лицензия берини рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.</p> <p>Лицензия бериш учун кўйидагилар асос бўлади:</p> <p>...</p> <p>Лицензия беришни рад этиш учун кўйидагилар асос бўлади:</p> <p>...</p> <p><b>2 - мисол :</b> норматив-хуқуқий ҳужжат:</p> <p>хокимликлар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида даъволар билан судга мурожаат қиласди.</p> <p><b>Муаммо:</b> мазкур ваколат хокимликларнинг асосий</p>
--	--	---

		<p>вазифаларига хос бўлмаган ваколат хисобланади ҳамда ҳокимлик, коммунал хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўтасида коррупцияйий холатларни юзага келтириши мумкин.</p> <p>Бундан ташқари, коммунал хизмат кўрсатувчилар мустақил хўжалик юритувчи субъектлар хисобланади ва судга даъво ариза билан чиқиш каби қарорларни ўзлари мустақил ҳал килиши лозим.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хукукий хужжат:</p> <p>Ҳокимликларнинг коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида даъволар билан судга мурожаат килиш ваколатини бекор килиш.</p>
	<p>Аниқ белгиланмаган ваколатлар</p>	<p>Айрим ҳолларда норматив-хукукий хужжатнинг матнидан вазифа ёки топширик ижроси учун масъул бўлган давлат органини аниқлаш имкони бўлмайди.</p> <p>Бу холат давлат органи томонидан ўзи манфаатдор бўлмаган маълум бир харакат</p> <p><b>Мисол:</b> норматив-хукукий хужжат: ушбу Қонуннинг ижроси тегишли вазирлик томонидан таъминланади.</p> <p><b>Муаммо:</b> ижро учун масъул вазирликни аниқлаш имкони мавжуд эмаслиги оқибатида давлат органлари ўзларининг манфаатлари нуқтаи</p>

	<p>килинаётганлигини кўрсатиш, амалда эса ушбу харакатни бажарилмаслик учун килинади.</p> <p>Шу билан бирга, топшириқ ижроси учун масъул этиб бир неча ташкилотлар белгиланади.</p> <p>Ушбу ташкилотларнинг ваколат доираси аниқ белгиланмаганлиги оқибатида улар топширикнинг бажарилишини бирбирига юклашига олиб келиши мумкин.</p> <p>Натижада топширикнинг ижроси етарли даражада таъминланмайди.</p>	<p>назардан харакат килишлари мумкин.</p> <p><b>1-ечим:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: ушбу Конуннинг ижроси «Электрон хукумат түғрисида» ги Конуннинг 13-моддасида белгиланган давлат органи томонидан таъминланади.</p> <p><b>2-ечим:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: ушбу Конуннинг ижроси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан таъминланади.</p>
	<p>Давлат органлари нинг тақорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги</p>	<p>Давлат органига бошқа давлат органи билан тақорланаётган ваколатлар ва вазифалар юклатилиши топширик етарли даражада ижро килинmasлигига, вазифани ижро этиш учун ортиқча ресурслар сарфланшишига, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар олдида ортиқча бюрократик тўсиқлар вужудга келишига олиб келиши мумкин.</p> <p><b>Мисол:</b> Норматив-хуқуқий ҳужжатга мувофик ҳоқимликларга истеъмолчилар хуқуқлари химоясими амалга ошириш бўйича вазифалар юклатилган.</p> <p><b>Муаммо:</b> мазкур вазифа Истеъмолчилар хукуқларини химоя килиш агентлигининг вазифаларини тақорлайди, шунингдек ҳоқимликларнинг тадбиркорлик фалиятини кўллаб-куватлаш бўйича функцияси билан боғлиқ мафаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин.</p>

			<b>Ечим:</b> ҳокимликларнинг истеъмолчилар хуқуклари химоясини амалга ошириш бўйича вазифасини бекор килиш зарур.
	Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-хукукий хужжат қабул қилиниши	Норматив-хукукий хужжатларнинг мазкур хужжатларни қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган давлат органлари томонидан қабул қилиниши ушбу хужжатлarda айрим шахсларнинг манфаатлари мавжудлигини кўрсатади.	<b>Мисол:</b> Вазирлар Мажкамасининг карори билан муайян бир тадбиркорлик субъектлари гурухи қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда. <b>Муаммо:</b> Солик кодексига асосан солик имтиёзлари фақат ушбу Кодекс билан берилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Президентининг карорлари билан белгиланган солик ставкасини камайтириш ҳолатлари бундан мустасно).
	Вазифа ёки топширикни бажариш учун ижроцида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	Давлат органи ўз вазифаларини тўлақонли бажара олиши учун барча зарур ваколатлар ва ресурсларга, шу	<b>Ечим:</b> Вазирлар Мажкамасининг кароридан тадбиркорлик субъектлари ни қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи нормалар чиқариб ташланиши зарур.

		<p>жумладан, уларни бажариш учун етарли муддатга эга бўлиши мухим хисобланади.</p> <p>Шу сабабдан юклатилаётган вазифаларни амалга ошириш учун талаб килинадиган ресурслар ва мавжуд имкониятларнинг қиёсий тахлили натижаси бўйича мазкур вазифалар юклатилиши мақсадгага мувофик.</p>	<p>лим инспекцияси)га таълим ташкилотлариға бевосита ташриф буюрган ҳолда ва ташриф буюрган ҳолда таълим ташкилотларини текшириш ваколати берилмоқда.</p> <p><b>Муаммо:</b> Таълим инспекциясида мазкур ваколатни амалга ошириш учун зарур ресурслар мавжуд эмас.</p> <p>Хусусан, Таълим инспекциясида ва унинг худудий тузилемасида ушбу фаолиятни амалга оширувчи 83 та штат бирликлари мавжуд бўлса, таълим ташкилотларининг сони 25 мингдан ортиқни ташкил этади.</p> <p>Шунга кўра, Таълим инспекциясида барча таълим ташкилотларини назорат қилиш имкони мавжуд эмас, бу эса текшириладиган таълим ташкилотини танлаш жараёнида коррупциявий холатларини юзага келтириши мумкин.</p> <p><b>Ечим:</b> Таълим инспекциясига зарур штат бирликларини ажратиш ёки таълим ташкилотларини «хавфни тахлил қилиш» тизими хамда электрон дастурий таъминот ёрдамида масофадан туриб назорат</p>
--	--	---	--

қилиш тартибини ёхуд таълим ташкилотларини назорат килишнинг бошқа муқобил усулларини жорий этиш.

**2-мисол:** норматив-хукуқий хужжат:

Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятларининг фаолияти устидан назорат қилиш соҳасида қўйидаги ваколатларга эга:

йиллик хисоботларни кўриб чиқиши;  
ташкilot иғилишларида катнашиш;  
муддатдан ташқари йиғилишларни ўтказиш.

**Муаммо:** мазкур Агентликка самарали назорат амалга ошириш учун етарли ваколатлар берилмаган.

**Ечим:** Агентликка юқоридагилардан ташқари қўйидаги ваколатларни бериш; давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятлари фаолиятига оид ҳар қандай маълумотни олиш;

давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятларида маҳсус аудит ўтказиш;

давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятларининг

рахбарларини тайинлаш ёки вазифасидан озод этиш масалалари юзасидан умумий йиғилиш кун тартибига таклифлар киритиш.

**3-мисол:** норматив-хукукий хужжат:

Давлат божхона кўмитаси уч ойлик муддатда БМТнинг Савдо тартиб-тамилларини соддалаштириш ва электрон иш амалиётлари бўйича маркази томонидан ишлаб чиқилган «ягона дарча» механизмини яратиш бўйича тавсиялар ва йўл-йўрик тамойиллари мезонларига жавоб берадиган «Ягона дарча» божхона ахборот тизимини ишлаб чиқсин.

**Муаммо:** мазкур ахборот тизимини ишлаб чиқиши учун уч ойлик муддат етарли эмас. Хусусан, ахборот дастурни ишлаб чиқиши учун:

ахборот тизими нинг паспорти ва концепцияси ишлаб чиқилади ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривоҷлантириш вазирлиги билан келишилади (1-2 ой);

ахборот тизимининг техник

		<p>топшириғи ишлаб чиқилади хамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилади (2-3 ой);</p> <p>барча ҳужжатлар бүйіча ижобий ҳулосалар олингандан сұнг давлат харидлари соңасындағы қонунчилікка мувоғиқ конкурсы (тендер) үтказилади вағолиб билан шартнома тузилади (1 ой).</p> <p>Шұнта кўра, ахборот тизимини ишлаб чиқиши ишлери каміда 4 ойдан кейін бошланади.</p> <p><b>Ечім:</b> «Ягона дарча» болжона ахборот тизимини ишлаб чиқиши учун муддатни іюкоридаги жараёнларни амалга ошириш учун талаб этиладиган муддаттарни инобатта олған қолда белгилаш.</p>
	<p>Кечиктириб тартибінің солиши</p>	<p>Норматив-хукукий ҳужжат билан маълум бир соҳани тартибінің солиши, шу жумладан тегишли нормаларни амалга ошириш тартиби (механизмлари) ва шаклларини белгилаш вазифаси маълум бир давлат органига юқлатилиши (бевосита ушбу норматив-хукукий</p> <p><b>Мисол:</b> норматив-хукукий ҳужжат: 2021 йыл 1 январдан марказлаштырылған манбалар хисобига молиялаштыриладиган капитал қурилиш билан бөглиқ товарлар, ишлар ва хизматлар хариди факат танлов савдолары натижалари бүйіча амалга оширилади.</p>

	<p>хужжатда белгилан- масдан) натижасида: ушбу норма уни амалга ошириш тартиби тасдиқ- ланмагунга қадар ижро қилин- маслигига; тегишли муноса- батларни тартиб- га солища давлат органи томонидан тор идоравий ман- фаатларни кўзлаган холда харакат қилинишига олиб келиши мумкин.</p>	<p>Курилиш ва- зирилиги капитал курилишда тан- лов савдоларини ўтказишнинг тарти- би ва шартларини белгилайди.</p> <p><b>Муаммо:</b> Кури- лиш вазирлиги то- монидан тартиб ва шартлар ишлаб чиқилгунга қадар мазкур норманинг ижроси таъминлан- майди.</p> <p>Шунингдек, нор- матив-ҳуқуқий хужжатда танлов савдоларини ўтказиши тартиби ва шартлари юзасидан кўрсатмалар назарда тутилмаган бўлиб, бу ваколат ижро этувчи органга бе- рилган. Натижада танлов савдоларини ўтказишида корруп- ция ҳолатлари ву- жудга келиши мум- кин.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив- хуқуқий хужжат: капитал курилиш- да танлов савдола- рини ўтказиши тар- тиби ва шартлари куйидагилардан ибо- рат:</p>	
	<p>Манфаатлар тўқнашуви</p>	<p>Норматив- хуқуқий хужжатда шахсий манфаатдор- лик (бевосита ёки бильвосита) шахснинг манраб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада ба-</p>	<p><b>Мисол:</b> норматив- хуқуқий хужжат: товар киймати бир шартнома бўйича базавий хисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан йигирма беш минг</p>

	<p>жаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуклари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни олдини олиш чоралари қўрилиши лозим.</p>	<p>бараваригача бўлган микдорни ташкил этган тақдирда танлов воситасидаги давлат хариди амалга оширилади.</p> <p>Бунда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни тақлиф қилган иштирокчи ғолиб деб топилади.</p> <p><b>Муаммо:</b> манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкинлиги инобатга олинмаган.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хукукий ҳужжат: товар қиймати бир шартнома бўйича базавий хисоблаш микдорининг беш минг бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган микдорни ташкил этган тақдирда танлов воситасидаги давлат хариди амалга оширилади.</p> <p>Шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни тақлиф қилган иштирокчи ғолиб деб топилади.</p> <p>Бунда, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган шахслар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди ёки харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс бажариладиган вази-</p>
--	--	--

		фалардан четлаштирилиши лозим.
Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	Норматив-хукукий хужжатда хукукий муносабатларнинг бир гурӯҳ субъектларига нисбатан бошқаларни тенг бўлмаган, камситувчи аҳволга солувчи афзалликларнинг белгиланишига йўл кўйилмаслиги зарур.	<p><b>Мисол:</b> айрим давлат унитар корхоналари ва нодавлат ташкилотларга лицензия олмасдан фаолиятини амалга ошириш хукуки берилган.</p> <p><b>Муаммо:</b> мазкур тоифадаги ташкилотлар томонидан тегишли лицензияни олмасдан фаолиятни амалга ошириши бир катор салбий холатларга олиб келмокда, хусусан: рақобатда бошқа тадбиркорларга нисбатан устунлик; лицензия талаб ва шартларини четлаб ўтиш имконияти.</p> <p><b>Ечим:</b> давлат унитар корхоналари ва нодавлат ташкилотларнинг тегишли лицензияни олмасдан фаолиятини амалга ошириш хукукини бекор қилиш.</p>
Норматив-хукукий хужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш	Норматив-хукукий хужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш мазкур хужжатнинг қабул килинниши мақсадларига эришишини имконини бермайди. Бундай ҳолатда давлат органлари	<p><b>1-мисол:</b> тегишли норматив-хукукий хужжат қабул килинган бўлиб, у 2020 йил 1 январдан кучга кириши белгиланган.</p> <p>Мазкур норматив-хукукий хужжатга иккى марта ўзгартиришлар киритилиб, ушбу хужжат</p>

		<p>тор идоравий манфатларини күзлаган холда хужжатни амалга киритилиши кейинга қолдириши мүмкін.</p>	<p>2021 йил 1 январь ва кейинчалик 2022 йил 1 июляндан кучга кириши белгиланган.</p> <p><b>Муаммо:</b> мазкур хужжаттинг кучга кириши иккі марта, бириңчиси 2021 йил 1 январга қадар, иккінчиси 2022 йил 1 июляға қадар қолдирилган.</p> <p><b>Ечим:</b> давлат органды томонидан норматив-хуқуқтік хужжаттни ишлаб чиқиш жараәніда хужжаттинг кучга кириш санасини аник таҳлиллар асосыда белгілаш ва хужжаттинг кучга кириш санасини кейинга қолдирмаслық чораларини күриш.</p>
	Хуқук ва мажбүрлардың үртасидаги номутаносибликтар	Давлат органлары да хуқуқтар мавжуд бўлганда мажбуриятларнинг мавжуд эмаслиги уларнинг мансаб ваколатларидан четга чиқишига шароит яратади.	<p><b>1-мисол:</b> норматив-хуқуқтік хужжат билан давлат органларига тадбиркорлик субъектларини жойига чиққан холда текшириш ва уни амалга ошириш билан боғлик хукуқлар берилган. Бирок, давлат органдарнинг тадбиркорлик субъектлари олдидаги уларнинг фаолиятини текшириш билан боғлик мажбуриятлари назарда тутилмаган.</p> <p><b>Муаммо:</b> давлат органдарнинг тадбиркорлик субъектини текшириш жараәни</p>

			<p>даги мажбуриятлари мавжуд эмаслиги, унинг тегишли хукукларидан чегарасиз фойдаланиши орқали ваколат доирасидан четга чикишига шароит яратиб беради.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: давлат органи тадбиркорлик субъектларининг фаoliyatinini текшириш жараёнида кўйидаги хукуқ ва мажбуриятларга эга:</p>
<b>Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	<p>Давлат органлари томонидан тегишли ҳаракатларни бажариш тартибининг мавжуд эмаслиги натижасида зиддиятли хукукни қўллаш амалиёти шаклланади, давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ортиқча бюрократик тўсиқларнинг яратилиши орқали коррупциявий холатлар юзага келади.</p> <p>Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги асосан қўйидагиларда кўринади:</p> <p>давлат органининг ҳаракатлари ва ваколатларини амалга ошириш тартибга солинмаганлиги;</p>	<p><b>Мисол:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган юкори ликвидли ва монопол махсулотларнинг бир қисми ўрнатилган квоталар бўйича факат биржасавдолари орқали экспорт килинади.</p> <p><b>Муаммо:</b> махсулотларнинг турларига аниқлик киритилмаган, шунингдек махсулотларнинг «бир қисми»ни шакллантиришнинг механизми белгиланмаган.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган юкори ликвидли ва монопол махсулотларнинг бир қисми ўрнатилган квоталар бўйича факат биржасавдолари орқали экспорт килинади.</p>

	<p>ваколатларни бажариш процессуал тартибининг белгиланмаганилиги;</p> <p>давлат органлари томонидан маъмурий тартиб-таомилларни бажариш учун асосларнинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниклиги;</p> <p>қабулқилинаётган қарорни асослаб бериш мажбурияти нинг мавжуд эмаслиги;</p> <p>хукукий бўшликлар мавжудлиги;</p> <p>жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган хукуқларни амалга оширишнинг аниқ тартибга солинманлиги;</p> <p>амалга оширилишининг аниқ механизмига эга бўлмаган нормаларнинг мавжудлиги.</p>	<p>питали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган ушбу норматив-хукукий хужжатда иловасида келтирилган юқори ликвидли ва монопол махсулотларнинг 30% факат биржа савдолари орқали экспорт қилинади.</p>
	<p>Белгиланган коидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши</p>	<p>Тегишли соҳада фаолият юритиши учун барча иштирокчиларга ягона тартиб ва коидалар ўрнатилган бўлиши лозим.</p> <p>Шунингдек, очиклик (шаффофлик)ни ҳамда ҳаммага тенг имконият яратиш ва рақобат мухитини таъминлаш максадида тегишли хукуқни олишнинг танлов (аукцион) тартибидан фойдаланилади.</p> <p><b>Мисол:</b> бир норматив-хукукий хужжатда марказлаштирилган манбалар хисобига молиялаштирилдиган капитал курилишибилан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматлар хариди факат танлов савдолари натижалари бўйича амалга оширилиши, конун хужжатларида на зарда тутилган холлар бундан му-</p>

	<p>Хуқуқни олишнинг аниқ тартиби, шу жумладан танлов (аукцион) ўтказиш тартиби белгиланган тақдирда ҳам, муайян шахслар ўз манбаатлари асосида ушбу хуқуқни тўғридан-тўғри олишга ҳаракат қилишлари мумкин.</p> <p>Шу сабабдан, белгиланган қоидалардан чикувчи истисноларни асоссиз белгиланиши максадга мувофик эмас ҳисобланади.</p>	<p>стасно эканлиги назарда тутилган.</p> <p>Бошқа нормативхуқуқий ҳужжат билан маълум бир давлат органига танлов савдоларини ўтказмасдан капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш рухсат берилган.</p> <p><b>Муаммо:</b> мазкур ҳолат соҳада очиқлик ва рақобат муҳитини таъминлаш имконини бермайди, шунингдек, давлат ҳаридларида коррупциявий ҳолатлар ҳамда «картель» келишувларининг вужудга келишига олиб келади.</p> <p><b>Ечим:</b> нормативхуқуқий ҳужжат: марказлаштирилган манбалар хисобига молиялаштириладиган капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматлар хариди факат танлов савдолари натижалари бўйича амалга оширилади.</p> <p>Танлов савдоларини ўтказмасдан капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш тақиқлансан.</p>
--	---	---

	<p>Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганилиги</p>	<p><b>Н о р м а т и в - хуқуқий</b> ҳужжатда жисмоний ва юридик шахсларга ноаник, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган нормаларнинг белгиланиши оқибатида жисмоний ва юридик шахслар ушбу талабларни жавобгарликсиз бажармаслик чораларини излаши мумкин.</p> <p>Шу сабабдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркинлигини чеклашга олиб келиши мумкин бўлган, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини сабабсиз ва асоссиз тартибга солинишида ифодаланиладиган муносабатларнинг ҳаддан ташқари ортиқча хуқуқий тартибга соладиган норматив-хуқуқий <b>х у ж а т л а р н и г қ а б у л қ и л и н и ш и м а қ с а д г а</b> мувофиқ эмас.</p>	<p><b>Мисол:</b> норматив-хуқуқий ҳужжат: автомототранспорт воситалари хайдовчиларини малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланishi учун лицензия шартлари куйидагилардан иборат:</p> <p>...</p> <p>бутун ўкув жарёнини қамраб оладиган давлат талабларига мувофик уч ўлчамли анимация эффектлари ва видеоконтентга эга автомототранспорт воситалари хайдовчиларининг малакасини ошириш учун алоҳида ишлаб чиқилган электрон ўкув-услубий қўлланмалар аккредитация муддатига мулкий ёки бошқа ашёйий хуқук билан таъминланганлиги хакидаги ҳужжат;</p> <p>автомототранспорт воситаларини бошқараётган шахслар (хайдовчилар) нинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ малака ошириш курсларида билимлар ўзлаштирилишини аниқлаш учун анимация эффектларига эга ягона тест дастурининг аккредитация муддатига</p>
--	--	--	--

		<p>мулкий ёки бошқа ашёвий хуқук билан таъминланганлиги хақидаги хужжат.</p> <p><b>Муаммо:</b> амалийтада аксарият лицензия талаборларида ушбу хужжатларни тақдим этиш имконияти мавжуд эмас.</p> <p>Шунга кўра, а в том от отор спорт воспитатари хайдовчила ини малакасини ошириш фаолиятини лицензиялаш жарёни жуда мураккаб, лицензия талаб ва шартлари юкори хамда мазкур фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркорлик субъектларини қисқартиришга, соҳада ягона хизмат кўрсатувчи монопол ташкилот статусини сақлаб колишига қаратилган.</p> <p><b>Ечим:</b> нормативхукукий хужжатда ўрнатилиган лицензия талаб ва шартлардаги бажарилиши кийин бўлган ва оғирлаштирилган талабларни, шунингдек рақобатни чекловчи қоидаларни чиқариб ташлаш зарур.</p>
	<p>Вакт чегараларининг аниқ белгиланмаганилиги</p>	<p>Муддатларнинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниклиги, асосли сабабларсиз белгиланган муд-</p> <p><b>Мисол:</b> нормативхукукий хужжат: давлат ижро иши юритишини қўзғатиш</p>

	<p>датни чўзиш ёки кисқартириш имкониятини назарда тутиш коррупция холатларини келтириб чикариши мумкин.</p> <p>Вакт чегаралари аниқ белгиланмаслиги оқибатида давлат хизматчилари маълум бир харакатни амалга оширишни ўз манфаатлари йўлида кечикитириш ёки тезлаштириш хавфи юзага келади.</p>	<p>тўғрисидаги қарорда ижро хужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзратилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун муддат белгилайди.</p> <p><b>Муаммо:</b> ушбу холатда давлат ижро ижро хужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун муддатни ўз манфаатларидан келиб чиқиб белгилаш мумкин.</p> <p><b>Ечим:</b> нормативхукукий хужжатда ижро хужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш муддатини аниқ белгилаш зарур.</p>
	<p>Тўлов микдорлари аниқ белгиланмаганилиги</p> <p>Коррупцияни олдини олиш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган давлат божлари, йигимлар ва бошка мажбурий тўловлар микдорлари аниқ белгиланиши зарур.</p> <p>Мазкур тўловлар микдорлари қатъий белгиланмаганилиги натижасида давлат органлари ўз манфаатларини қўзлаган холда тўловлар микдорини камайтириши ёки қўпайтириши мумкин.</p>	<p><b>Мисол:</b> ички ишлар органлари паспортларни заруритга караб кўпи билан 15 кунда базавий хисоблаш микдорининг (кейинги ўринларда БХМ деб юритилади) 1 бараваридан 5 бараваригача бўлган микдордаги давлат божи тўлангандан сўнг тақдим этади.</p> <p><b>Муаммо:</b> давлат божи микдори аниқ курсатиб ўтилмаганилиги натижасида мансабдор шахс ушбу микдорни ўз</p>

			<p>ихтиёрига кўра белгилайди, бу эса коррупция ҳолатларини вужудга келтириши мумкин.</p> <p><b>Ечим:</b> Ички ишлар вазирлиги паспортларни қўйидаги муддатларда ва тўловларда тақдим этади:</p> <p>15 кун ичида – БХМнинг 1 баравари;</p> <p>5 кун ичида – БХМнинг 3 баравари;</p> <p>24 соат ичида – БХМнинг 5 баравари миқдоридаги давлат божи тўланганда.</p>
	<p>Санкцияларнинг номутаносиблиги</p> <p>Ноаник ва кенг талқин қилиниши мумкин бўлган санкциялар давлат органларига жисмоний ва юридик шахслардан ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда (пора эвазига) санкция даржасини белгилаш имкониятини беради.</p> <p>Шунингдек, санкцияларнинг даржаси тегишли хукуқбузарликнинг ижтимоий ахамияти ва оқибатлари билан мутаносиб бўлиши лозим.</p>	<p><b>Мисол:</b> норматив-хукукий хужжат: автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиш – фуқароларга БХМнинг 20 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.</p> <p><b>Муаммо:</b> биринчидан, жарима миқдори хукуқбузарликнинг ижтимоий ахамияти ва оқибатларига нисбатан жуда юқори, иккинчидан, санкциянинг минимал ва максимал миқдорлари ўртасидаги фарқ уларни тайинлаш мезонлари мавжуд бўл-</p>	

			<p>май туриб сезиларли даражада юқори килиб белгиланган.</p> <p>Мазкур ҳолат мансабдор шахсга асоссиз равищда ўз ихтиёрига кўра санкция микдорини белгилаш хукуқини беради.</p> <p><b>1-ечим:</b> жарима микдорини катый белгилаш (мисол учун, БХМнинг 40 баравари микдорда жарима солинишини белгилаш);</p> <p><b>2-ечим:</b> санкциянинг минимал ва максимал микдорлари ўртасидаги фарқни қисқартириш ҳамда уларни белгилашнинг аниқ мезонларини ўрнатиш.</p>
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	Норматив-хукукий хужжатда давлат органига молиялаштириш манбаси ноаниқ бўлган чора-тадбирни амалга оширишнинг юкламилиши натижасида ушбу чора-тадбир ижроси таъминланмасдан қолиши ёки фуқаролар ёхуд тадбиркорлик субъектларини маълум манфаат ийўлида ноконуний ҳомийликка жалб этишга олиб келиши мумкин.	<p><b>Мисол:</b> норматив-хукукий хужжатда 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга кадар жойлаштириш бўйича хизматлар (мехмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи микдорида жойлаштириш воситаларини субсидиялаш бўйича кўшимча кўмак кўрсатилиши белгиланган.</p> <p><b>Муаммо:</b> субсидиялаш манбаси, тартиби ва уни амалга оширишга масъул бўлган ташкилот кўрсатилмаган.</p> <p><b>Ечим:</b> Туризми ривожлантириш давлат қўмитаси</p>

			<p>Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблаглари ҳисобидан куйидаги тартибда 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (мехмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи микдорида жойлаштириш воситаларини субсидиялаш бўйича қўшимча кўмак кўрсатилишини таъминласин:</p>
<b>Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Шикоят килиш тартибининг мавжуд эмаслиги	Давлат органларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларниг, шунингдек уларнинг харакатлари (қарорлари) устидан шикоят килиш тартибининг мавжуд эмаслиги мансабдор шахсларга ўз ваколатларини сунистемол килишига шарорит яратади.	<p><b>Мисол:</b> нормативхукукий хужжатда тегишли таълим муассасасига ўқишига кириш учун тест имтихонлари ини ўтказиш тартиби белгиланган.</p> <p><b>Муаммо:</b> мазкур хужжатда тест имтихонлари натижасидан ёки тест ўтказиш жараёнларидан норози бўлган шахсларнинг шикоят килиш хукуқи ва тартиби белгиланмаганилиги оқибатида тест натижаларининг соҳталаштириш холатлари юзага келиши мумкин.</p> <p><b>Ечим:</b> нормативхукукий хужжат: таълим муассасасида имтихонлар ўтказилиши даврида шикоятларни кўриб чиқиш учун апелля-</p>

			<p>ция комиссияси иши ташкил этилади.</p> <p>Шикоятлар имтихон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб иккى кун ичида қабул қилинади ва аителляция комиссияси томонидан бир кунлик муддатда шикоят қилган шахслар иштирокида кўриб чиқилади.</p> <p>...</p>
	<p>Шафофлик ва жамоатчилик назоратини тъминлашдаги бўшликлар</p> <p>Жамоатчилик назорати шафофлик ва конунийликни тъминлашнинг саварали усулларидан бирни хисобланади.</p> <p>Шунга кўра, давлат органларининг фаолияти тўғрисидаги хамда улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари юзасидан маълумотларни тақдим килиш тартиби тўғрисидаги ахборотни (бундан конун билан кўрикландиган сирени ташкил этувчи ахборотлар мустасно) ошкор этишни назарда тутувчи нормалар белгиланиши керак.</p>	<p><b>Мисол:</b> нормативхукуқий ҳужжат: Коррупцияга карши курашиб агентлиги фаолиятини бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустакил равишда амалга оширади.</p> <p><b>Муаммо:</b> «мустакил» атамаси нимани англатади? Ушбу ташкилот устидан назорат амалга оширилмайдими?</p> <p><b>Ечим:</b> нормативхукуқий ҳужжат: Коррупцияга карши курашиб агентлиги ўз фаолиятини конунийлик, холислик, хисобдорлик, очиқлик ва шафофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустакил равишда амалга оширади,</p>	

		<p>Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида хисобдордир.</p> <p>Коррупцияга карши курашиш агентлиги қўйидаги масалалар юзасидан жамоатчиликка ўз фаолияти юзасидан хисобот тақдим этади:</p> <p>...</p> <p>Коррупцияга карши курашиш агентлигининг Назорат кенгаши таркиби жамоатчилик вакиллари киритилади.</p>
	<p>Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги</p>	<p><b>Норматив-хукукий хужжатда давлат органлари томонидан муайян харакатларни амалга ошириш тартиби белгиланган бўлиб, давлат органларининг фаолиятини назорат қилиш тартиби кўрсатилмаган бўлса, давлат органи ушбу фаолиятни хужжатда белгиланган тартибга риоя килмасдан ўз манфаатлари нуктаи назардан амалга ошириши мумкин.</b></p> <p><b>Мисол:</b> норматив-хукукий хужжатда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали доимий фойдаланишга берилиши белгиланган.</p> <p><b>Муаммо:</b> давлат органлари томонидан ер участкаларини бериш тартибга таомилларига риоя килиниши устидан назорат қилиш тартиби белгиланмаган.</p> <p><b>Ечим:</b> норматив-хукукий хужжат:</p> <p>Давлат хизматлари марказлари, прокуратура органлари ва адъия органлари давлат органлари ва</p>

			<p>бошқа ташкилотлар томонидан ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартибига сўзсиз риоя этилиши бўйича тизимли назорат ва мониторингни амалга оширади.</p> <p>Тизимли назорат ва мониторинг ер участкаси материалларини тайёрлаш жараёнига аралашмаедан, «YER ELEKTRON» ААТ орқали амалга оширилади.</p>
--	--	--	---

(Низомга З-илова)

## Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича ЧЕКЛИСТ

Йўналишлар	Коррупциявий омиллар	Жавоблар			Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
<b>Нормаларнинг барқарорлиги ва хуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Сўзларнинг нотўғри кўлланилиши	бор		йўқ	
	Ноаник ва асоссиз хаволалар келтирилганлиги	бор		йўқ	
	Норматив-хуқуқий хужжатлар ўргасида зиддиятларнинг мавжудлиги	бор		йўқ	
<b>Ваколатлар, хуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	бор		йўқ	
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	бор		йўқ	
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги	бор		йўқ	
	Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-хуқуқий хужжат қабул қилиниши	бор		йўқ	
	Вазифа ёки топширикни бажариш учун ижроида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	бор		йўқ	
	Кечиктириб тартибга солиш	бор		йўқ	

	Манфаатлар тўқнашуви	бор		йўқ		
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	бор		йўқ		
	Норматив-хуқуқий хужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечикитириш	бор		йўқ		
	Хуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар	бор		йўқ		
<b>Маъмурӣ тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Маъмурӣ тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	бор		йўқ		
	Белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши	бор		йўқ		
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	бор		йўқ		
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	бор		йўқ		
	Тўлов микдорлари аниқ белгиланмаганлиги	бор		йўқ		
	Санкцияларнинг номутаносиблиги	бор		йўқ		
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниклиги	бор		йўқ		
	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	бор		йўқ		
<b>Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар</b>	Шаффоффлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшликлар	бор		йўқ		

	Давлат органлари-нинг фаолияти устидан назорат қилишининг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	бор		йўқ		
--	---	-----	--	-----	--	--

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши мустақил ва илмий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича  
Хулоса

йил

Мустақил (илмий) эксперт \_\_\_\_\_  
томонидан\_\_\_\_\_

(норматив-хуқуқий ҳужжат (лоиҳаси) номи (ишилаб чиқувчи) ва реквизитлари)  
коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди ва натижаси бўйича қўйидагилар маълум қилинади.

**1. Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий омилларнинг мавжудлиги: мавжуд / мавжуд эмас.**

коррупциявий омил мавжуд норма: \_\_\_\_\_  
келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик:

келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни бартараф этиш бўйича таклиф: \_\_\_\_\_

**2. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омилларнинг мавжудлиги: мавжуд / мавжуд эмас.**

коррупциявий омил мавжуд норма: \_\_\_\_\_  
келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик: \_\_\_\_\_

келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни барта-  
раф этиш бўйича таклиф: \_\_\_\_\_

**3. Маъмурий тартиб-таомиллар билан bogлиқ bўlgan кор-  
рупциявий омилларнинг мавжудлиги: мавжуд / мавжуд эмас.**  
коррупциявий омил мавжуд норма: \_\_\_\_\_  
келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик:

**келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни  
бартараф этиш бўйича таклиф:**

---

**4. Назорат билан bogлиқ bўlgan коррупциявий омиллар-  
нинг мавжудлиги: мавжуд / мавжуд эмас.**  
коррупциявий омил мавжуд норма: \_\_\_\_\_  
келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик:  
келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни  
бартараф этиш бўйича таклиф:

---

**5. Boшқа турдаги коррупциявий омилларнинг  
мавжудлиги:**

Эксперт тўғрисидаги маълумотлар  
**ФИО:**

**Реестр рақами:**

**Тел:**

**Электрон почта манзили:**

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тушунчаси ва унинг турлари.....	5
2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	9
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	12
4. Мустақил ва илмий эксперталар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар ложиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	15
Тавсия этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа манбалар: .....	18
Иловалар .....	20

## **Қайдлар учун**

## **Қайдлар учун**

## **Қайдлар учун**

**Қайдлар учун**

# **НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ**

*Ўқув-услубий қўлланма*

Нашр учун масъуллар:

*Ф. Тожиев*

*Ш. Абдуллаев*

Мухаррир:

*Ш. Халсаидова*

Компьютерда саҳифаловчи:

*Х. Холиёров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллый хуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. АI № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкӯчаси, 19-үй.

Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47

Веб сайт: [www.adolatmarkazi.uz](http://www.adolatmarkazi.uz)

e-mail: [info@adolatmarkazi.uz](mailto:info@adolatmarkazi.uz)

Босишига руҳсат этилди 05.10.2022 й.

Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . «Antiqua» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табори 4,5.

Нашриёт ҳисоб табори З. Адади 2000 нусха.

-буортма.